

6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

Ушбу шартнома шартларини томонлар бажармаган тақдирда уларнинг масъулияти Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролик Кодекси», «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги, «Телекоммуникациялар тўғриси»ги қонунлари, «Умумий фойдаланишдаги телекоммуникация тармоқларида телефон алоқаси хизматларини кўрсатиш қоидалари» ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа бир қатор амалдаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ томонларнинг жавобгарликлари кўриб чиқилади.

7. ФОРС-МАЖОР

Томонларнинг хоҳиш-истагига мутлақо боғлиқ бўлмаган ҳолларда (табiiй офатлар, ноқулай об-ҳаво шароитлари, ҳукумат чора-тадбирлари, ҳокимият идоралари қарорлари, ҳарбий тўқнашувлар, ички тартибсизликлар ва бошқа ҳолатларда) томонларнинг ўз мажбуриятларини бажармасликлари ушбу шартномани ижро этиш бузилган деб ҳисобланмайди, томонларнинг шартномани бажариш муддатлари юқорида кўрсатиб ўтилган ҳолатлар бартараф этиб бўлингунга қадар кейинга сурилади.

Форс-мажор ҳолатларига таяниб иш кўрувчи томон ваколатли давлат органининг тасдиқланган тегишли ҳужжатини тақдим этиши керак.

8. ШАРТНОМАГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ

Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш томонларнинг розилигига кўра қўшимча битимни расмийлаштириш йўли билан амалга оширилади. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги битим у ёзма шаклда бўлгандагина ва томонлар уни имзолаганларидагина ҳаққонийдир.

Томонларнинг шартнома шартларига киритган қўшимча ва ўзгартиришлари унинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади, улар албатта инобатга олиниши зарур.

8.1. Шартнома қонунчилик ўзгарганда, «Қоидалар»да ва Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларида белгилаб берилган бошқа ҳолларда қайта тузилиши ёки ўзгартирилиши мумкин.

9. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

9.1. Ушбу шартнома «10» Январдан 2022 йилдан 2022 йил 31 декабргача амалда бўлади.

9.2. Шартнома муддатидан олдин қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:

- томонларнинг келишувига мувофиқ;
- томонлардан бири шартнома шартларини бажармаган тақдирда;

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳолларда.

9.3. Мазкур шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, бир хил юридик кучга эга бўлиб ҳисобланади ва томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан берилади.

10. ШАРТНОМАНИНГ ҚОНУНИЙ КУЧГА КИРИШИ

10.1. 2014 йил 1 январдан амалга киритилган Ўзбекистон Республикаси «Давлат бюджетининг Ҳазна ижроси тўғрисида»ги қонуннинг 122-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли қарорининг 6-бандига асосан бюджет ташкилотларининг товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилар билан шартномалари, шунингдек буюртмачиларнинг Давлат бюджети маблағлари ҳисобига капитал қурилишга оид шартномалари мажбурий тартибда Ҳазначиликда рўйхатга олиниши шартлиги ва фақат у амалга оширилгандан кейин кучга кириши назарда